

Зино иймон нуридан маҳрум қилади



14:07 / 18.12.2024 2119

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Зино қилувчи зино қилаётган вақтида мўмин бўлмайди» деб огоҳ қилганлар. (Саҳиҳи Бухорий).

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан бунинг маъносини шундай нақл қилганлар:

«Зино сабабли инсондан иймон нури суғуриб олинади».

Имом Табаронийдан қилинган бошқа бир ривоятда шундай дейилади:

«Ким зино қилса, ундан иймон чиқиб кетади. Кейин агар тавба қилса, Аллоҳ таоло тавбасини қабул қилади» («Фатҳул Борий»).

Ўйлаб кўрадиган ўрни шуки, иймондан маҳрум бўлиш бир неча лаҳзалар учун бўлса-да, жуда хатарли! Айни ўша маҳрумлик лаҳзаларида Аллоҳ

таоло тарафидан ўлим келиб қолса, иймонсиз кетган бўлади. Бундай хотимадан Аллоҳ таоло сақласин. Бундай ёмон оқибатни инсон тааммул қилса, оёқлари кишанланиб, фаҳш тарафга юришдан тўхтаб қолади. Биз зино ва зинонинг барча сабаблари ва важҳларидан ўзимизни сақлашга батамом ҳаракат қилишимиз лозим.

«Бадназарлик ва зинодан сақланиш» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 июндаги 03-07/4033 рақамли хулосаси асосида тайёрланди.